**(57) Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, хусусан, кимё-фармацевтика саноати, айнан, амалий тиббиёт учун доривор ўсимликлар экстракти асосида сафро ҳайдовчи воситани олиш. **Вазифаси:** *Hipericum scabrum* L., *Ziziphora pedicellata* Pazij Vved., *Mediizia macrophylla*, *Glycyrhiza glabra* L. Доривор ўсимликлари курук экстрактлари асосида янада юқорироқ сафро ҳайдаш фаоллигига ва кам захарлиликка эга бўлган воситани яратиш. **Ихтиро моҳияти:** таклиф этилаётган восита дағал кизилпойча, гулбандли жамбил (зизифора), йирик баргли медиазия ва кизилмияни 1,25:1,0:1,25:1,5 нисбатда аралаштириш ва ўсимликлар йиғиндисини зарраларнинг 4-6 мм катталигигача майдалаш, кейин сувда экстракциялаш, филтрлаш ва курук экстрактни олиш йўли билан олинад.

**Использование:** медицина, в частности, химико-фармацевтическая промышленность, а именно способ получения желчегонного средства на основе экстрактов лекарственных растений для практической медицины. **Задача:** создание средства, обладающего более высокой желчегонной активностью и малой токсичностью, на основе сухого экстракта лекарствен

ных трав: *Hipericum scabrum* L., *Ziziphora pedicellata* Pazij Vved., *Mediizia macrophylla*, *Glycyrhiza glabra* L. **Суцность изобретения:** предлагаемое средство получают путем смешивания зверобоя шероховатистого, зизифоры цветоножечной, медиазии крупнолистной и солодки голой в соотношении 1,25:1,0:1,25:1,5, и измельчения суммы растений до размеров частиц 4-6 мм с последующей водной экстракцией, фильтрацией и получением сухого экстракта.

**(13) В****(21)** IAP 2013 0172**(22)** 03.05.2013**(51)** 8 А 61 К 36/00, С 07 D/**(71)** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академик С.Ю.Юнусов номли Ўсимлик моддалари кимёси институти, UZ

Институт химии растительных веществ имени академика С.Ю.Юнусова Академии наук Республики Узбекистан, UZ

**(72)** Садиков Алимджан Заирович, Сагдуллаев Шамансур Шахсаидович, Ибрагимов Тимур Фархадович, Валиев Неъматжон Валижон ўғли, Джахангиров Фархад Набиевич, UZ**(54) Аритмияга қарши таъсирга эга бўлган воситани олиш усули****Способ получения средства, обладающего антиаритмическим действием**

**(57) Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, айнан ўсимлик хом ашёсидан дори препаратларини, хусусан, аритмияга қарши таъсирга эга бўлган воситани (аллапинин) олиш. **Вазифаси:** аллапинин (аритмияга қарши таъсирга эга бўлган восита) препарати ишлаб чиқаришининг метанол кўр эритмаларидан аритмияга қарши таъсирга эга бўлган воситани олишининг охириги маҳсулот чиқишини оширадиган усулини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** охириги маҳсулот чиқишини ошириш учун техник аллапининни қайта кристаллашдан сўнг олинган метанол кўр эритма қуритилади, спиртда эритилади ва сирка ангидриди иштирокида курук метанол кўр эритма : сирка ангидриди нисбатининг 5:1 микдоридан қайнатилади.

**Использование:** медицина, а именно получение лекарственных препаратов из растительного сырья, в частности, лекарственного средства, обладающего антиаритмическим действием (аллапинин). **Задача:** создание способа получе

ния средства, обладающего антиаритмическим действием из метанольных маточных растворов производства препарата аллапинин (средства, обладающего антиаритмическим действием), позволяющего увеличить выход целевого продукта. **Сущность изобретения:** для повышения выхода целевого продукта метанольный маточник, полученный после перекристаллизации технического аллапинина, высушивают, растворяют в спирте и кипятят в присутствии укусного ангидрида в соотношении: сухой метанольный маточник : укусный ангидрид 5:1.

(13) В

(21) IAP 2013 0192

(22) 16.05.2013

(51) 8 А 61 N 5/00, А 61 N 5/06

(71) (72) Дадамов Ашот Данилович, Эгамбердиев Салим Каримбердиевич, UZ

(54) Нурланиш юкласига организмнинг резистентлигини ошириш усули

Способ повышения резистентности организма к лучевой нагрузке

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, айнан радиология, хусусан, тананинг турли жойларида ҳосил бўлган янги хавфли ўсмаларни даволаш. **Вазифаси:** нур терапияси курсини ўтказиш даврида янги ҳосил бўлган ўсмани дастлабки нурлантиришни амалга ошириш йўли билан нурланиш таъсирига организмнинг резистентлигини ошириш. **Ихтиро моҳияти:** нурланиш юкласига организмнинг резистентлигини ошириш усулининг янгилиги асосий нурлантиришни ўтказишдан 25-30 кун олдин янги ҳосил бўлган ўсмани дастлабки бир марталик нурлантириш унинг ҳосил бўлган жойини ҳисобга олган ҳолда: бош ва бўйинда - 2 Гр, кўкрак ва қоринда - 3 Гр, қўл ва оёқларда - 4 Гр миқдорда амалга оширилишидан иборат.

**Использование:** медицина, а именно радиология, в частности, лечение злокачественных новообразований различных локализаций. **Задача:** повышение резистентности организма к лучевому воздействию на период проведения курса лучевой терапии путем предварительного облучения новообразования. **Сущность изобретения:** новым в способе повышения резистентности организма к лучевой нагрузке является то, что за 25-30 дней до проведения основного облучения проводят предварительное од-

норазовое облучение новообразования с учетом его локализации : на голове и шее -2 Гр, на груди и животе - 3 Гр, на верхних и нижних конечностях — 4 Гр.

(13) В

(21) IAP 2013 0216

(22) 31.10.2011

(51) 8 А 61 Р 1/12

(31)(32)(33) 61/408,622, 31.10.2010, US

(31)(32)(33) 61/409,335, 02.11.2010, US

(31)(32)(33) 61/416,249, 22.11.2010, US

(31)(32)(33) 61/434,379, 19.01.2011, US

(71) САЛИКС ФАРМАСЬЮТИКАЛЗ, ЛТД., US

НАПО ФАРМАСЬЮТИКАЛЗ, ИНК., US

(72) ФОРБЕС, Вильям, БОРТЕЙ, Енох, КИНГ, Стивен, ЧАТУРВЕДИ, Правин, US

(85) 27.05.2013

(86) 31.10.2011, PCT/US2011/058549

(87) 03.05.2012, WO 2012/058664

(54) ВИЧ билан боғлиқ бўлган диареяни даволаш учун усул ва композициялар

Способы и композиции для лечения ВИЧ-ассоциированной диареи

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, хусусан, диареяни даволаш. **Вазифаси:** ВИЧ билан боғлиқ бўлган диареяни самарали даволаш усулини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** беморга хлорид-ионини ташиш ингибиторини диареяни даволаш учун етарли миқдорда киритиш орқали диареяни даволаш усуллари. Диареяни даволаш диарея билан бир қаторда оғрикни, қориндаги ноқулайликни ва диарея билан боғлиқ бошқа симптомларни даволашни ўз ичига олади. Ихтирони амалага оширишнинг вариантларидан бирида хлорид-ионини ташиш ингибитори крофелемердан иборат.

**Использование:** медицина, в частности, лечение диареи. **Задача:** разработка эффективного способа лечения ВИЧ-ассоциированной диареи. **Сущность изобретения:** способы лечения диареи посредством введения пациенту, нуждающемуся в этом, ингибитора транспорта хлорид-иона в количестве, достаточном для лечения диареи. Лечение диареи включает лечение диареи, а также боли, дискомфорт в животе и другие симптомы, связанные с диареей. В одном варианте осуществления изобретения ингибитором транспорта хлорид-иона является крофелемер.



**В бўлими**  
**ТУРЛИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР**

**Раздел В**  
**РАЗЛИЧНЫЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ**  
**ПРОЦЕССЫ**

**В 28**

**(13) В**  
**(22) 30.05.2013**

**(21)** IAP 2013 0220  
**(51)** 8 В 28 С 1/00, С 04 В 14/10  
**(71) (72)** Ермаков Владимир Петрович, Рахимов Зафар Гафирович, Рахимов Рустам Хакимович, Рашидов Хуршид Кибрияевич, UZ  
**(54) Метакаолин олиш усули**  
**Способ получения метакаолина**

**(57) Фойдаланиш соҳаси:** технология жараёнлари, курилиш қоришмаларидаги пуццолан қўшимчалар, металлургия, аорганик кимё.  
**Вазифаси:** каолинитлардан кристаллик сувни чиқариб ташлаш ва метакаолинни олишнинг янада такомиллаштирилган ва тежамкор усулини таъминлаш. **Ихтиро моҳияти:** каолинитнинг кристалл панжарасидан сув молекулаларини чиқариб ташлаш усули каолин тупроғини тортиш, қуритиш ва майдалаш ҳамда ишлов берилган хом ашё 2,4 — 3,3 мкм диапазондаги тўлқин узунликли инфрақизил (ИК) нур берадиган функционал керамика асосидаги ИҚ нурлантиргични қўллаб импульсли ИҚ нурни таъсир этириш йўли билан амалга оширилади.

**Использование:** технологические процессы, пуццолановые добавки в строительных растворах, металлургия, неорганическая химия.  
**Задача:** обеспечение более совершенного и экономичного способа для удаления кристаллической воды из каолинитов и получение метакаолина. **Сущность изобретения:** представленный способ удаления молекул воды из кристаллической решетки каолинита выполняется путем размола, сушки, измельчения каолиновой глины и селективным импульсным воздействием инфракрасным (ИК) излучением на обрабатываемое сырье путем применения ИК-излучателей на основе функциональной керамики с длиной волны ИК-излучения в диапазоне 2,4 — 3,3 мкм.

**С бўлими**  
**КИМЁ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ**

**Раздел С**  
**ХИМИЯ И МЕТАЛЛУРГИЯ**

**С 01**

**(13) В**  
**(22) 21.05.2013**

**(21)** IAP 2013 0200  
**(51)** 8 С 01 В 25/01, С 05 В 11/02, С 05 В 11/06, С 05 В 11/10  
**(71)** Тошкент кимё-технология институти, UZ  
Ташкентский химико-технологический институт, UZ  
**(72)** Мирзакулов Холтура Чориевич, Халмуминов Сафар Абриевич, Усманов Илхам Икрамович, Меликулова Гавхар Эшбаевна, Умаров Шавкат Исамитдинович, UZ  
**(54) Юқори карбонатли фосфоритларни бойитиш усули**  
**Способ обогащения высококарбонизированных фосфоритов**

**(57) Фойдаланиш соҳаси:** табиий фосфоритларни қайта ишлаш технологияси, хусусан, таркибида хлор бўлган юқори карбонатли фосфоритларни бойитиш. **Вазифаси:** таркибида хлор бўлиб,  $P_2O_5$  миқдори кам бўлган фосфоритларни қайта ишлаш имкониятини таъминлайдиган юқори карбонатли фосфоритларни бойитиш усулини ишлаб чиқиш, ва шунингдек, фосконцентратда хлор ва кальцийли модулни камайтириш. **Ихтиро моҳияти:** фосфоритни курук майдалаш, уни шламсизлантириш, Т:Ж=1:(1-3) да сув билан ювиш, ўтда тоблаб қиздириш, тобланган фосфоритни сув билан сўндириш, суюқ ва қаттиқ фазаларни ажратиш, қаттиқ фазани сув билан ювиб тозалаш ва қуритиш. Сўндирилган ва тозаланган фосфоритга азот кислотаси ёки таркибида 30% гача кальций нитрати бўлган азот кислотаси билан ишлов бериш.

**Использование:** технология переработки природных фосфоритов, в частности, обогащение высококарбонатных фосфоритов, содержащих хлор. **Задача:** разработка способа обогащения высококарбонатных фосфоритов, обеспечивающего возможность переработки фосфоритов, имеющих низкое содержание  $P_2O_5$  и содержащих хлор, а также снижение кальциевого модуля и хлора в фосконцентрате. **Сущность изобретения:** способ включает сухое измель-

чение фосфорита, его обесшламливание, промывку водой при Т:Ж=1:(1-3), обжиг, гашение обожженного фосфорита водой, разделение жидкой и твердой фаз, отмывку твердой фазы водой и сушку, обработку гашеного и отмытого фосфорита азотной кислотой или азотной кислотой, содержащей до 30% нитрата кальция.

(13) В

(21) IAP 2014 0485

(22) 20.11.2014

(51) 8 С 01 F 5/30

(71) Хасанов Урин Хасанович, UZ

(72) Хасанов Урин Хасанович, Хасанов Ёрихон Водутович, Раупов Толиб Холович, UZ

(54) **Маҳаллий хом-ашёдан бишофит олиш**  
**Получение бишофита из местного сырья**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** неорганик моддалар технологиялари, хусусан, дефолиант олиш учун, портландцемент ва бошқа қовушқок қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда қўлланадиган магний хлорид эритмасини олиш усулига оид. **Вазифаси:** олинадиган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш. **Ихтиро моҳияти:** бишофит олиш усули ярим қиздирилган доломитга хлорид кислота билан ишлов беришни, реакция аралашмасини 90-100°C гача қиздиришни ўз ичига олади, ундан кейин аралашма 1 соат давомида кўрсатилган ҳароратда ва мунтазам аралаштириб турган ҳолда ушлаб турилади, сўнгра магний хлорид эритмаси филтёрланади, эритма ҳарорати 70°C гача етказилади, буғлаб бишофит кристаллари олинади, кристаллар 25-30°C гача совитилади ва ажратиб олинади.

**Использование:** технологии неорганических веществ, в частности к способу получения раствора хлористого магния, применяемого для получения дефолианта, в производстве портландцемента и других вяжущих строительных материалов. **Задача изобретения:** улучшение качества получаемой продукции. **Сущность изобретения:** способ получения бишофита включает обработку полубоженного доломита соляной кислотой, нагревание реакционной смеси до 90-100°C, после чего смесь выдерживают при указанной температуре и постоянном перемешивании в течение 1 часа, затем отфильтровывают раствор хлористого магния, доводят температуру раствора 70°C, упаривают его с получением кристаллов бишофита, кристаллы охлаждают до 25-30° С и отделяют.

С 02

(13) В

(21) IAP 2013 0178

(22) 06.05.2013

(51) 8 С 02 F 1/42

(71) Toshkent suv ta'minoti kanalisaciya, qidro-texnika inshoatlari va muxandislik qidroqeoloqiya-si ilmiy tekshirish instituti, UZ

Ташкентский научно-исследовательский институт водоснабжения, канализации, гидротехнических сооружений и инженерной гидрогеологии, UZ

(72) Темиргалиева Нагима Хакимовна, Шпиз Любовь Львовна, Киршина Елена Юрьевна, Рахимбердиева Лиля Фанильевна, UZ

(54) **Натрий-катионитли филтёрларни ишлатилган регенерациявий туз қоришмаларига ишлов бериш усули****Способ обработки отработанных регенерационных растворов соли натрий-катионитовых фильтров**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** ион алмашув юмшатиш йўли билан сувни тайёрлаш. **Вазифаси:** товар маҳсулотини (ўювчи натрийни) табиий хом ашё билан алмаштириш ҳисобига тикланган ишлатилган қоришмаларни тиклаш технологиясини арзонлаштириш, седиментацион, филтратион хусусиятларини яхшилаш ва ҳосил бўладиган чўкмалар ҳажмини камайтириш, катионитни тиклаш жараёнида фойдаланганда тикланган ишлатилган қоришмаларнинг самардорлигини сақлаб қолган ҳолда реагентлар сарфини камайтириш. **Ихтиро моҳияти:** 1 босқичда таркибида кальций ва магний ионлари бўлган натрий-катионит филтёрларининг тикланган ишлатилган қоришмасига сульфат таркибли реагент сифатида табиий минерал хом ашё – мирабилитни табиий намликдаги кукун кўринишида киритиш. Аралаштиришдан сўнг ҳосил бўлган кальций сульфати чўкмаси ишлатилган қоришмадан чиқариб олинади, механик равишда сувсизлантириб утилизацияланади. Тикланган ишлатилган қоришма такропан ишлатилади.

**Использование:** водоподготовка методом ионообменного умягчения. **Задача:** удешевление технологии восстановления отработанных регенерационных растворов за счет замены товарного продукта (едкого натра) природным сырьем, улучшение седиментационных, филтратионных свойств и уменьшение объема образующихся осадков, уменьшение расходов реагентов при сохранении эффективности вос-

становленных отработанных регенерационных растворов при их использовании в процессе регенерации катионита. **Сущность изобретения:** введение на 1 этапе в отработанный регенерационный раствор натрий-катионитовых фильтров, содержащий ионы кальция и магния, сульфатсодержащего реагента, в качестве которого используют природное минеральное сырье - мирабилит в виде порошка природной влажности. После перемешивания образовавшийся осадок сульфата кальция выводят из отработанного раствора, подвергают механическому обезвоживанию и утилизируют. В отработанный регенерационный раствор на 2 этапе вводят порошок соды и перемешивают. Образовавшийся осадок карбонатов кальция и магния обезвоживают и утилизируют. Восстановленный регенерационный раствор повторно используют.

(13) В

(21) IAP 2013 0124

(22) 26.03.2013

(51) 8 C 02 F 11/00, C 02 F 101/30

(71) Рахимов Бобур Боходирович, UZ

(72) Раббимов Рахим Тешаевич, Узакон Гулом Норбоевич, Имомов Шухрат Боймаматович, Рахимов Бобур Боходирович, UZ

(54) Нефт шламларини утилизация қилиш усули

Способ утилизации нефтяных шламов

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** нефтни қайта ишлаш ва нефтни қайта ишлаш корхоналари. **Вазифаси:** нефтни қайта ишлаш корхоналари ва нефт базаларнинг чиқиндиларини нефт шламида мавжуд бўлган кимёвий, технологик ва иқтисодий потенциалдан фойдаланиш ҳисобига тўлиқ утилизациялашга эришиш. **Ихтиро моҳияти:** нефт шламларини утилизация қилиш усули нефт шламлари турли зичликларга эга бўлган фазаларга, яъни нефт фазаси, таркибида нефт бўлган сувли фаза ва қаттиқ фазага ажратишни ўз ичига олади. Бунда таркибида нефт бўлган сувли фаза ингредиент сифатида бетон коришмаси учун, қаттиқ фаза эса қурилиш материаллари учун, нефт фазаси ва/ёки унинг фракциялари полимер материаллари учун ишлатилади.

**Использование:** нефтепереработка и нефтеперерабатывающие предприятия. **Задача:** достижение полной утилизации отходов нефтедобывающих предприятий и нефтебаз за счёт максимального использования химического, техноло-

гического и экономического потенциала, заложенного в нефтяном шламе. **Сущность изобретения:** способ утилизации нефтяных шламов включает разделение шлама на фазы различной плотности – на нефтяную, нефтесодержащую водную и твердую фазы. При этом полученную нефтесодержащую водную фазу применяют в качестве ингредиента для бетонной смеси, а твердую фазу для строительных материалов, нефтяную фазу - и/или ее фракции - для полимерных материалов.

С 05

(13) В

(21) IAP 2013 0211

(22) 17.10.2011

(51) 8 C 05 F 7/00, C 05 F 17/00, C 02 F 3/30, C 05 D 9/00

(31)(32)(33) PV 2010-778, 26.10.2010, CZ

(71) МАНЕТЕХ, А.С., CZ

(72) ШУЛЬМАНН, Ян, CZ

(85) 24.05.2013

(86) 17.10.2011, PCT/CZ2011/000101

(87) 03.05.2012, WO 2012/055379

(54) Органик ўғит ва уни ишлаб чиқариш усули

Органическое удобрение и способ его производства

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** ўғитлар, уларни ишлаб чиқариш. **Вазифаси:** табиий лигноцеллюлоз материал ва суюқ чиқитларни муайян нисбатда компостирашдан фойдаланиш ҳисобига атроф-муҳитга салбий экологик таъсирни йўқотишга, гўнг шалтоғининг озукалик қийматини кам маблағ сарфлаб сақлаб қолишга эришиладиган органик ўғитни ишлаб чиқариш усулини яратиш. **Ихтиро моҳияти:** табиий лигноцеллюлоз материал ва суюқ чиқитларни, айниқса ва минимум 35% куруқ модда, минимум 25% органик материал массаси, минимум 20% гумус массаси ва минимум 1,5% азот массасини ўз ичига олган чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан чиққан чиқитларни компостираш орқали олинган органик ўғит. Органик ўғит сингдирувчи материални чорвачиликнинг ёки озик-овқат саноатининг суюқ чиқитлари ёки сув тозалаш қурилмаларининг шламлари билан қоплаш йўли билан ишлаб чиқарилади. Суюқ чиқитлар минимум 20% чорвачиликнинг суюқ чиқитларини ўз ичига олади, улар крахмал ҳосилалари ёки целлюлоза ҳосилаларига асосланган ва тиксотропияни, ушбу суюқ чиқитлар ва ажратувчиларнинг сирт таранглигини оширадиган ҳамда қумоқ ҳосил бўлишини бар-

тараф этадиган ва крахмал ва целлюлоза ҳосилаларини эрувчанлигини оширадиган материаллардан иборат агент билан гомогенизацияланади. Сингдирувчи материал суюқ чиқитлар билан аралаштирилади, аэрацияланади ва камида тўртта цикл давомида аэроб бактериал таъсир ёрдамида парчланади.

**Использование:** удобрения, их производство.

**Задача:** создание такого способа производства органического удобрения, в котором за счет использования компостирования природного лигноцеллюлозного материала и жидких отходов при определенном соотношении достигается устранение негативного экологического влияния на окружающую среду, максимальное сохранение питательной ценности навозной жижи при небольшом капиталовложении. **Сущность изобретения:** органическое удобрение, произведенное посредством компостирования натурального лигноцеллюлозного материала и жидких отходов, в особенности от производства животноводческой продукции, которое содержит минимум 35% сухого вещества, минимум 25% массы органического материала, минимум 20% массы гумуса и минимум 1,5% массы азота. Органическое удобрение производится путем покрытия сорбирующего материала жидкими отходами животноводства, или пищевой промышленности, или шламов водочистных установок. Жидкие отходы содержат минимум 20% массы жидких отходов животноводства, которые гомогенизируются с агентом, состоящим из материалов, основанных на производных крахмала или производных целлюлозы, повышающих тиксотропию, поверхностное натяжение этих жидких отходов и разделителей, которые предотвращают образование комков и повышают растворимость производных крахмала или целлюлозы. Сорбирующий материал вместе с жидкими отходами перемешивается, аэрируется и разлагается с помощью аэробного бактериального воздействия в течение, по крайней мере, четырех циклов.

C 07

(13) B

(21) IAP 2013 0188

(22) 15.11.2011

(51) 8 C 07 C 323/58, A 61 K 31/10

(31)(32)(33) 61/415,121, 18.11.2010, US

(71) ЭЛИ ЛИЛЛИ ЭНД КОМПАНИ, US

(72) СМИТ, Стефон Корнелл, ЛИ, Ренхуа, МИЧ, Чарльз Говард, ВЕТМАН, Татьяна Натали, US


(85) 13.05.2013

(86) 15.11.2011, PCT/US2011/060730

(87) 24.05.2012, WO 2012/068067


(54) mGluR 2/3 антагонистлари сифатидаги 4-ўрин эгаллаган-3-фенилсульфанилметил-бицикло [3.1.0] гексан бирикмалари Соединения 4-замещенного-3-фенилсульфанилметил-бицикло [3.1.0] гексана в качестве антагонистов mGluR 2/3

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** кимё, хусусан, гетероциклик бирикмаларни олиш, фармакология, хусусан, таркибида органик фаол ингредиентлар бўлган дори препаратлари. **Вазифаси:** mGlu2 ва mGlu3 рецепторларига нисбатан юқори антагонистик фаолликка эга бўган бирикмаларни ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** қуйидаги формулани mGlu2/3 рецептори антагонисти:



Уни қўллаш ва уни олиш усули.

**Использование:** химия, в частности, получение гетероциклических соединений, фармакология, в частности, лекарственные препараты, содержащие органические активные ингредиенты. **Задача:** разработка соединений, обладающих высокой антагонистической активностью в отношении mGlu2 и mGlu3 рецепторов. **Сущность изобретения:** антагонист рецептора mGlu2/3 формулы:



его применение и способы его получения.

(13) B

(21) IAP 2013 0173

(22) 03.05.2013

(51) 8 C 07 D 235/32

(71) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академик С.Ю.Юнусов номли Ўсимлик моддалари кимёси институти, UZ

Институт химии растительных веществ имени академика С.Ю.Юнусова Академии наук Республики Узбекистан, UZ

(72) Мусаева Индира Абубакировна, Каримов Риксибай Кучкарович, Сагдуллаев Шамансур Шахсаидович, Абдуллаев Насрулла Джалилович, Дустмухамедов Тохир Тоирович, Отаева Шахзода Адхамовна, Мадрахимова Мукаддас, Джахонгиров Фарход Набиевич, UZ

(54) Глицирризин кислотаси ва шамоллашга қарши фаолликка эга бўлган доривор воситани олиш усули

Способ получения глицирризиновой кислоты и лекарственного средства, обладающего противовоспалительной активностью

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* кимё-фармацевтика саноати, айнан, ўсимлик хом ашёсидан дори препаратларини олиш, хусусан, глицирризин кислотаси ва шамоллашга қарши фаолликка эга бўлган доривор воситани олиш усули. *Вазифаси:* кизилмиянинг илдизлари ва илдизпоясидан глицирризин кислотасини олишнинг янада самаралироқ усулини ишлаб чиқиш, технология жараёнлари босқичларини камайтириш, эритувчилар сарфини камайтириш, чиқиши энг кўп бўлган ва глицирризин кислотаси миқдори юқори бўлган охирги маҳсулотни олиш, шамоллашга қарши хусусиятга эга бўлган воситанинг дори шаклини олиш, гласпирин деб номланган капсулалар сифатини ошириш. *Ихтиро моҳияти:* жараён прототипдаги 13 та босқич ўрнига 9 та босқичда ўтказилади, унда аммиак, ацетон, муздай сирка кислотасидан фойдаланиш истисно қилинади ва спирт сарфи камайтиради. Олинган глицирризин кислотасидан фойдаланиш яхши парчаланадиган шамоллашга қарши восита капсуласини олишга имкон беради.

*Использование:* химико-фармацевтическая промышленность, а именно получение лекарственных препаратов из растительного сырья, в частности, способ получения глицирризиновой кислоты и средства, обладающего противовоспалительной активностью. *Задача:* разработка более эффективного способа получения глицирризиновой кислоты из корней и корневищ солодки, уменьшение стадий технологического процесса, сокращение расхода растворителей, получение целевого продукта с наиболее высоким выходом и высоким содержанием ГК,

получение лекарственной формы средства, обладающего противовоспалительным свойством, повышение качества капсул, названных гласпирином. *Сущность изобретения:* вместо 13 стадий по прототипу процесс проводится в 9 стадий, при этом исключается использование аммиака, ацетона, ледяной уксусной кислоты и сокращается расход спирта. Использование полученной глицирризиновой кислоты позволяет получить капсулы противовоспалительного средства с лучшей распадаемостью.

(13) В

(21) IAP 2013 0182

(22) 05.10.2011

(51) 8 C 07 D 267/10, C 07 D 413/04, C 07 D 413/06, C 07 D 413/10, C 07 D 413/12, C 07 D 413/14, C 07 D 417/06, C 07 D 417/14

(31)(32)(33) 2010-227864, 07.10.2010, JP

(31)(32)(33) 2011-175336, 10.08.2011, JP

(71) TAKEDA ФАРМАСЬЮТИКАЛ КОМПАНИ ЛИМИТЕД, JP

(72) ИСИТИ, Юдзи, JP; ЯМАДА, Масами, US; КАМЕИ, Таку, JP; УДЗИМОРИ, Икуо, US; НАКАДА, Есихиса, ЮКАВА, Томоя, САКАУТИ, Нобуки, ОХБА, Юсуке, ЦУКАМОТО, Тецуя, JP


(85) 07.05.2013

(86) 05.10.2011, PCT/JP2011/073745


(87) 12.04.2012, WO 2012/046882


(54) 1,4-оксазепан ҳосилалари  
Производные 1,4-оксазепана

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* фармацевтик кимё, айнан, депрессия, безовталик, гиперфаоллик билан бирга кечадиган диққат-эътибор дефицити синдроми, климакс касалликлари, оғриқлар, стресс оқибатидаги сийдик тутолмаслик ёки аралаш сийдик тутолмаслик. *Вазифаси:* моноаминларни тескари эгаллаш альтернатив ингибиторларини тақдим этиш. *Ихтиро моҳияти:* (I) формула билан ифодаланган янги бирикма




Унда А ҳалқа ўрин алмашиши шарт бўлмаган 6-азоли ароматик ҳалқадан иборат ва қуйида тасвирлангани каби гуруҳ






дан иборат бўлиб, унда  $B^x$ - $B^6$  ва R халқалар тавсифда келтирилган қийматларга эга, ёки унинг моноаминни тескари эгаллашини ингибирлаш фаоллигига эга бўлган тузи. Профилактик ёки терапевтик дори воситасини олишда (I) формулани бирикма ёки унинг тузини қўллаш ва сут эмизувчига (I) формулани бирикма ёки унинг тузининг самарали микдорини киритишни ўз ичига олган профилактика ёки даволаш усули.


**Использование:** фармацевтическая химия, а именно соединение, пригодное в качестве профилактического или терапевтического лекарственного средства от депрессии, беспокойства, синдрома дефицита внимания с гиперактивностью, климактерических расстройств, боли, стрессового недержания мочи или смешанного недержания мочи. **Задача:** предоставление альтернативных ингибиторов обратного захвата моноаминов. **Сущность изобретения:** новое соединение, представленное формулой (D)



где кольцо A представляет собой необязательно замещенное 6-членное ароматическое кольцо, и группа, изображенная, как



представляет собой



где кольца  $B^x$ - $B^6$  и R имеют значения, определенные в описании, или его соль, обладающие ингибирующей обратный захват моноамина активностью. Применение соединения формулы (I) или его соли при получении профилактического или терапевтического лекарственного средства и способ профилактики или лечения, включающий введение эффективного количества соединения формулы (I) или его соли млекопитающему.

(13) B

(21) IAP 2013 0205

(22) 09.11.2011

(51) 8 C 07 D 401/04, C 07 D 401/14, C 07 D 403/14, A 61 K 31/454, A 61 K 31/506, A 61 P 3/10

(31)(32)(33) 61/416,441, 23.11.2010, US

(71) Пфайзер Инк., US

(72) МАСКИТИ, Венсан, МАККЛЮР, Ким Фрэнсис, МЮНХХОФ, Майкл Джон, РОБИН-СОН, Ральф Пелтон, Мл., US

(85) 21.05.2013

(86) 09.11.2011, PCT/IB2011/054996

(87) 31.05.2012, WO 2012/069948

(54) GPR 119 модуляторлари сифатида 4-(5-цианопиразол-1-ил)пиперидиннинг хосилалари

Производные 4-(5-цианопиразол-1-ил)пиперидина в качестве модуляторов GPR 119

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** фармацевтика, айнан қандли диабетни ва бошқа метаболлик ёки метаболлик боғлиқ касалликлар, ҳолатлар ёки бузилишларни даволаш учун терапевтик агентлар, цианопиразолларнинг, уларни ўз ичига олган фармацевтик композицияларнинг янги синфлари, уларни диабетни ва бошқа метаболлик боғлиқ касалликларни даволашда қўллаш. **Вазифаси:** қандли диабетни ва бошқа метаболлик боғлиқ касалликлар, ҳолатлар ёки бузилишларни ҳайвонларда GPR119 G-протеин-боғлиқ рецептори фаоллигини модуллаш йўли билан даволаш. **Ихтиро моҳияти:** қандли диабетни ва бошқа метаболлик боғлиқ касалликлар, ҳолатлар ёки бузилишларни цианопиразол ва унинг фармацевтик мақбул тузларини, ва шунингдек бундай бирикмаларни ўз ичига олган фармацевтик композицияларни қўллаш йўли билан даволаш усули.

**Использование:** фармацевтика, а именно терапевтические агенты для лечения сахарного диабета и других метаболических или метаболически зависимых заболеваний, состояний или

расстройств, новые классы цианопиразолов, фармацевтических композиций, содержащих эти соединения, их применение в лечении диабета и других метаболически зависимых заболеваний, состояний или расстройств. **Задача:** лечение сахарного диабета и других метаболически зависимых заболеваний, состояний или расстройств путем модулирования активности G-протеин-связанного рецептора GPR119 у животных. **Сущность изобретения:** способ лечения сахарного диабета и других метаболически зависимых заболеваний, состояний или расстройств путем применения цианопиразолов и их фармацевтически приемлемых солей, а также фармацевтических композиций, содержащих такие соединения.

**(13) В**

(21) IAP 2013 0185 (22) 31.10.2011  
 (51) 8 C 07 D 471/04, A 61 K 31/519, A 61 P 3/10, A 61 P 3/04  
 (31)(32)(33) 10-2010-0107868, 01.11.2010, KR  
 (71) ЭлДжи ЛАЙФ САЙЕНСИЗ ЛТД., KR  
 (72) ПАРК, Ки Сук; ЮН, Джюнг Мин; КИМ, Бонг Чан; КИМ, Кью Юнг; ЛИ, Джи Хай, KR  
 (85) 10.05.2013  
 (86) 31.10.2011, PCT/KR2011/008186  
 (87) 10.05.2012, WO 2012/060590  
 (54) 1-{(2S)-2-амино-4-[2,4-бис(трифторметил)-5,8-дигидропиридо[3,4-D]пиримидин-7(6H)-ил]-4-оксобутил}-5,5-дифторпиперидин-2-оннинг тартрат гидрати  
 Гидрат тартрата 1-{(2S)-2-амино-4-[2,4-бис(трифторметил)-5,8-дигидропиридо[3,4-D]пиримидин-7(6H)-ил]-4-оксобутил}-5,5-дифторпиперидин-2-она

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** фармацевтик кимё, тиббиёт. **Вазифаси:** ангидрат ёки гидратация сони худди шундай бўлган бошқа гидратларга нисбатан нисбий намлик ўзгаришида барқарорликка эга бўлган дори воситасини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** талабномада таркибида 3,5-5,5% диапазонида сув бўлган 1-{(2S)-2-амино-4-[2,4-бис(трифторметил)-5,8-дигидропиридо[3,4-D]пиримидин-7(6H)-ил]-4-оксобутил}-5,5-дифторпиперидин-2-оннинг тартрат гидрати, уни олиш усули ва DPP-IV ингибирлаш асосида диабет ёки семиришни даволаш ёки баргараф этиш учун фармацевтик композиция келтирилган.


**Использование:** фармацевтическая химия, медицина. **Задача:** разработка лекарственного

средства, обладающего стабильностью при изменении относительной влажности по сравнению с ангидратом или другими гидратами с аналогичным числом гидратации. **Сущность изобретения:** заявлены 1,5 гидрат тартратной соли 1-{(2S)-2-амино-4-[2,4-бис(трифторметил)-5,8-дигидропиридо[3,4-d]пиримидин-7(6H)-ил]-4-оксобутил}-5,5-дифторпиперидин-2-она с содержанием воды в диапазоне 3,5-5,5%, способ его получения и фармацевтическая композиция для ингибирования DPP-IV на его основе для лечения или предотвращения диабета или ожирения.

**(13) В**


(21) IAP 2013 0218 (22) 17.11.2011  
 (51) 8 C 07 D 498/04, A 61 K 31/424, A 61 P 35/00  
 (31)(32)(33) 10382329.0, 03.12.2010, EP  
 (31)(32)(33) 61/439,151, 03.02.2011, US  
 (71) ЭЛИ ЛИЛЛИ ЭНД КОМПАНИ, US  
 (72) КОУТС, Дэвид, Эндрю, ГИЛМОР, Раймонд, US; МАРТИН, Жозе, Альфредо, МАРТИН ДЕ ЛА НАВА, Ева, Мария, ES  
 (85) 29.05.2013  
 (86) 17.11.2011, PCT/US2011/061099  
 (87) 07.06.2012, WO 2012/074761  
 (54) Оксазоло[5,4-В]пиримидин-5-ил бирикмалари  
 Оксазоло[5,4-В]пиримидин-5-ильные соединения

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** кимё, хусусан, гетероциклик бирикмаларни олиш, тиббиёт, хусусан, саратон касалликларини даволаш. **Вазифаси:** саратон касалликларини даволаш учун самарали бирикмаларни ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** саратонни даволаш учун тўғри келадиган оксазоло[5,4-В]пиримидин-5-ил бирикмалари, хусусан, I формулани бирикма таклиф қилинган:



унда X - метоксиэтил ёки этоксиметилдан иборат;  
 Q - циклопропил, 2-метилпропанол-2-ил, 3-метилоксетан-3-ил, 1-гидроксиметил-1-циклопропилдан иборат;  
 ёки уларнинг фармацевтик мақбул тузлари.

**Использование:** химия, в частности, получение гетероциклических соединений, медицина, в частности, лечение раковых заболеваний. **Задача:** разработка эффективных соединений для лечения раковых заболеваний. **Сущность изобретения:** предложены оксазоло[5,4-b]пиридин-5-ильные соединения, подходящие для лечения рака, в частности, соединения формулы I:



где

X представляет собой метоксиэтил или этоксиметил;

Q представляет собой циклопропил, 2-метилпропанол-2-ил, 3-метилоксетан-3-ил, 1-гидроксиметил-1-циклопропил;

или их фармацевтически приемлемые соли.

### (13) В

(21) IAP 2013 0194

(22) 17.05.2013

(51) 8 C 07 D 513/14, A 61 K 31/15, A 61 K 31/04

(71) Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти, UZ

Ўзбекский научно-исследовательский институт ветеринарии, UZ

(72) Мамадуллаев Гулмурод Хамидович, Хужамов Журабек Наимович, Тухлиев Аббос Тоирович, Ахмадалиева Лола Хасановна, Долимов Даврон Нугманович, UZ

(54) Ҳайвонларнинг сил касаллигига қарши комплекс препарат

Комплексный препарат для профилактики туберкулёза животных

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** ветеринария, айнан чорвачилик хўжаликлариди ҳайвонларнинг сил касаллиги профилактикаси. **Вазифаси:** препаратнинг синергетик ва таъсир муддатини узайтириш хусусиятларини яхшилаш йўли билан сил касаллиги профилактикаси самарадорлигини ошириш. **Ихтиро моҳияти:** препарат фармакопея препаратларидан суспензия кўришидаги витаминлаштирилган ўсимлик мойи асосида глицирризин кислотасини қўшиб тайёрланади. Таклиф этилаётган препарат ноҳўя таъсирларга эга эмас, узоқ муддатли таъсирга, синергизмга эга, аналогларга

нисбатан профилактика учун 100% гача самарадор. Кимё профилактика тадбирини эпизодик касалликларга қарши тадбирларга қўшиб олиб борилади. Аналоглардан фойдаланганда препаратни ҳар куни берилганда хўжаликларни соғломлаштириш ва профилактикасига 4-12 ой сарфланади, таклиф этилаётган препаратни эса 4 ой давомида қўллаш етарли бўлади. Сил касаллигига қарши курашнинг иқтисодий самарадорлиги препаратни қўллаш йўли билан 45-50 % га ортади.

**Использование:** ветеринария, а именно профилактика туберкулёза животных в животноводческих хозяйствах. **Задача:** повышение эффективности профилактики туберкулёза путем улучшения синергетических и пролонгирующих свойств препарата. **Сущность изобретения:** препарат готовят из фармакопейных препаратов с добавлением глицирризиновой кислоты на основе витаминизированного растительного масла в виде суспензии. Предлагаемый препарат не имеет побочных действий, обладает длительным пролонгирующим эффектом, синергизмом и эффективен до 100% для профилактики по сравнению с аналогами. Химиопрофилактику включают в план противоэпизоотических мероприятий. На оздоровление и профилактику хозяйств с использованием аналогов затрачивается 4-12 месяцев при ежедневной даче препарата, а предлагаемый препарат достаточно применять в течение 4 месяцев. Экономическая эффективность борьбы с туберкулезом КРС путем применения препарата повышается на 45-50 %.

### C 08

(13) В

(21) IAP 2013 0215

(22) 27.05.2013

(51) 8 C 08 G 13/00

(71) Тошкент кимё-технология институти, UZ  
Ташкентский химико-технологический институт, UZ

(72) Худайбердиев Бахтиёр Ботирович, Пулатов Хайрулла Лутпуллаевич, Зайнитдинова Барно Зухритдиновна, Турсунов Тулқун Турсунович, Назирова Раъно Агзамовна, UZ

(54) Сульфокатионит олиш усули  
Способ получения сульфокатионита

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** кимё саноати, айнан ион алмашувчи материалларни олиш ва текшириш усули. **Вазифаси:** юқори механик мустаҳкамлик ва термохимёвий барқарорлик кўрсат



кичларига эга бўлган мунтазам структурали монофункционал сульфокатионитни яратиш. **Ихтиро моҳияти:** ароматик ядролар ва гетероциклларни ўз ичига олган моддалар асосида олинган полимер материаллар ва ионитлар юқори механик мустаҳкамлиги ва термокиёмвий барқарорлиги билан ажралиб туради. Полимер матрицани олишда ионоген гуруҳга киритиш учун бошланғич модда сифатида конденсацияланган ароматик ядролар ва гетероциклик альдегид – фурфуролни ўз ичига олган атинафтендан фойдаланилади. Полимер олишдаги поликонденсация реакциясини ( $t=70^{\circ}\text{C}$ ) ва полимерни сульфурлаш реакциясини ( $t=70^{\circ}\text{C}$ ) юмшоқ шароитларда ўтказиш фойдаланилган реакциялар давомида карбоксил ва бошқа гуруҳлар ҳосил бўлишини бартараф этишга, яъни таркибида фақат  $\text{SO}_3\text{H}$ -гуруҳ бўлган монофункционал сульфокатионитни олишга имкон беради, бу эса уни нейтрал, кучсиз ишқорли ва ишқорли муҳитлардаги ион алмашиш жараёнида қўллашга имкон беради.

**Использование:** химическая промышленность, а именно способ получения и исследования ионообменных материалов. **Задача:** создание монофункционального сульфокатионита регулярной структуры с высокими показателями механической прочности и термо-химической стойкости. **Сущность изобретения:** полимерные материалы и иониты, полученные на основе вещества, содержащих ароматические ядра и гетероциклы, отличаются высокой термо-химической стойкостью и механической прочностью. При получении полимерной матрицы для введения ионогенных групп используются в качестве исходных веществ атинафтен, содержащий конденсированные ароматические ядра, и гетероциклический альдегид – фурфурол. Проведение реакции поликонденсации при получении полимера ( $t=70^{\circ}\text{C}$ ) и реакции сульфирования полимера ( $t=70^{\circ}\text{C}$ ) в мягких условиях позволяет исключить в ходе используемых реакций образование карбоксильных и других групп, т.е. получить монофункциональный сульфокатионит, содержащий только  $\text{SO}_3\text{H}$ -группы, что позволяет его использовать в процессах ионного обмена в нейтральной, слабощелочной и щелочной средах.

С 09

(13) В

(21) IAP 2013 0186

(22) 13.05.2013

(51) 8 С 09 К 8/00, Е 21 В 33/00

(71) «Muborakneftgaz» unitar sho'ba korxonasi, UZ

Унитарное дочернее предприятие «Muborakneftgaz», UZ

(72) Абдурахимов Низамидин Абдурахимович, Шамсиев Шермат Журакулович, Юсупбеков Ахмаджон Хакимович, Халимов Аброр Алишевич, Бекматов Туймурод Хусанович, Оллобердыев Гайрат Темирович, UZ

(54) Кудукларда рапали қатламларни ёпиш учун полимер тампонаж таркиб

Полимерный тампонажный состав для изоляции рапаносной зоны скважины

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** нефт-газ саноати, хусусан, нефт ва газ кудукларини бурғулаш, айнан очик коннинг маҳсулдор қисмида, аномал паст пласт босимли пластларда, очик коннинг аномал юқори пласт босимли исталган бошқа зоналарида ва пласт босими қийматлари меърида бўлган пластларда кудукнинг рапали қатламларини ёпиш. **Вазифаси:** кудукнинг рапали қатламини ёпиш учун аралашманинг самарали таркибини танлаш йўли билан тез бирикадиган тампонаж аралашмасини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** кудукнинг рапали қатламини ёпиш учун полимер тампонаж таркиб, компоненталарни қуйидаги масса нисбатларида олинган, масса%:

карбомидформальдегид смола - 90,0-95,0;  
полиэтиленимин аддукти ва  
мис сульфат - 0,5-2,0;  
ёғоч қипиғи - 4,0 - 9,0;  
сув - қолгани;  
рапа -90,0-95,0.

Таклиф этилган тампонаж аралашмасининг (90,0-95,0 масс.%) рапали таркибининг қотиш жараёни ўрганиб чиқилди. Бирикиш муддатини 50 минутдан 6 соат 30 минутгача бошқариш имконияти кўрсатилди, қотгандан бир суткадан кейин букилишга мустаҳкамлиги - 5,5 дан 8,9 МПа гача, ҳажми кенгайиши % да - 12 дан 76 гача. полимер тампонаж таркибни тайёрлаш учун ишлатиладиган барча ингредиентлар маҳаллий материаллардан иборат.

**Использование:** нефтегазовая промышленность, в частности, бурение нефтяных и газовых скважин, а именно изоляция рапаносной зоны скважины в продуктивной части разреза, в пластах с аномально низкими пластовыми давлениями (АНПД), в любых других зонах разреза с аномально высокими пластовыми

давлениями (АВПД) и в пластах с нормальными значениями пластовых давлений. **Задача:** разработка быстрохватывающейся тампонажной смеси (БТС) для изоляции рапаносной зоны скважины, которая достигается путём подбора эффективного состава смеси. **Сущность изобретения:** полимерный тампонажный состав для изоляции рапаносной зоны скважины содержит при следующих массовых компонентах, масс %:

карбомидформальдегидная смола - 90,0-95,0;  
аддукт полиэтиленimina и сернокислой меди - 0,5-2,0;  
древесные опилки - 4,0 - 9,0;  
вода - остальное;  
рапа - 90,0-95,0;

Изучен процесс отверждения предложенного состава тампонажной смеси с рапой (90,0-95,0 масс.%). Показана возможность регулирования сроков схватывания от 50 минут до 6 часов 30 минут, прочность на изгиб через сутки отверждения - от 5,5 до 8,9 МПа, расширение в объёме в % - от 12 до 76. Все ингредиенты для приготовления полимерного тампонажного состава являются местными материалами.

## C 10

(13) B

(21) IAP 2013 0217

(22) 31.10.2011

(51) 8 C 10 G 2/00

(31)(32)(33) 1018338.2, 29.10.2010, GB

(71) АСА ЭНЕРДЖИ КОНВЕРШЕНЗ ЛТД, УЗ

(72) СТЕЙН, Риан, ЗА

(85) 29.05.2013

(86) 31.10.2011, PCT/GB2011/001544

(87) 03.05.2012, WO 2012/056203

(54) **Табий газ конверсияси**

**Конверсия природного газа**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** кимё, газ саноати, суюқ углеводород ёқилғи, табий газдан суюқ углеводород аралашмаларини ажратиш олиш, табий газ конверсияси, табий газни метанни крекинглаш ва гидратлаш йўли билан суюқликка айлантириш Фишер - Тропш реакциясини амалга ошириш учун дистилляция колоннаси дан фойдаланган ҳолда этилен олиш. **Вазифаси:** реакторнинг реакция тезлигини ва фракцион ажратиш блокининг унумдорлигини оширадиган лойиҳа конфигурациясини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш масштабларини кенгайтирган ҳолда тежамкорликни ошириш,

курулма конструкциясининг ихчамлиги ва тежамлигини ошириш. **Ихтиро моҳияти:** водород ва углеводород монооксида аралашмасини углеводородларга конверсиялаш усули ва курилмаси водород ва углеводород монооксида реакциясини реакциясини дистилляция колоннасида юқори ҳарорат ва босимда мос келадиган катализатор билан ўтказишни ўз ичига олади.

**Использование:** химия, газовая промышленность, жидкое углеводородное топливо, извлечение жидких углеводородных смесей из природного газа, конверсия природного газа, превращение природного газа в жидкость путем крекинга и гидрирования метана с получением этилена с использованием дистилляционной колонны для осуществления реакции Фишера-Тропша. **Задача:** усовершенствование проектной конфигурации реактора, увеличивающей скорость реакций и эффективность блока фракционного разделения, повышение экономии, рост масштабов производства, повышение компактности и экономии всей конструкции установки. **Сущность:** способ и устройство для конверсии смеси водорода и монооксида углерода в углеводороды, включающие реакцию водорода и монооксида углерода при повышенной температуре и давлении в контакте с подходящим катализатором в реакционной дистилляционной колонне.

(13) B

(21) IAP 2013 0210

(22) 24.05.2013

(51) 8 C 10 G 5/06

(71) «Muborakneftgaz» unitar sho'ba korxonasi, UZ

Унитарное дочернее предприятие «Muborakneftgaz», UZ

(72) Шамсиев Шермат Журакулович, Мустафаев Алишер Сайфуллаевич, Бекматов Туймурод Хусанович, Саидов Равшан Норкулович, Беков Ислон Останович, Оллобердыев Гайрат Темирович, Дивеев Исмаил Исакович, Курбанов Равшан Янгибаевич, UZ

(54) **Газни совитиш усули**

**Способ охлаждения газа**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** кончилик ишлари, хусусан, углеводород хом ашёни, айнан газни казиш ишларини олиб борадиган саноат, газ ва нефт конларини казиш, казиб олинган газни совитиш, конденсат ажратиш олишни ошириш. **Вазифаси:** кудукдан чиқаётган газни совитиш

самарадорлигини ошириш. **Ихтиро моҳияти:** кудукдан чиқаётган газ даставвал шлейфга уланган камерада штуцер диаметрини ўзгартириш орқали клапанларни бошқариш йўли билан совитилади. Бунда штуцер диаметри ўзгариши ҳисобига дроссель эффекти ҳосил бўлиб, штуцер диаметрини бошқариш йўли билан газ ҳароратини ҳарорат ўзгаришининг оптимал катталигигача пасайтиради.

**Использование:** горное дело, в частности, промышленность, ведущая разработку углеводородного сырья, а именно газа, разработка газовых и нефтегазовых месторождений, охлаждения промышленного газа и повышение извлечения конденсата. **Задача:** повышение эффективности охлаждения газа, поступающего из скважины. **Сущность изобретения:** газ, поступающий из скважины, первоначально охлаждают в камере, подсоединенной к шлейфу, путем регулируемых клапанов посредством изменения диаметра штуцера, через который поступает в камеру охлаждения газа. При этом за счет изменения диаметра штуцера создается дроссель эффект, понижающий температуру газа путем регулирования диаметра штуцера до оптимальных величин изменения температуры.

С 11

(21) IAP 2013 0201 (13) В  
(51) 8 С 11 В 1/06, С 11 В 1/08 (22) 21.05.2013

(71) Тошкент кимё-технология институти, UZ  
Ташкентский химико-технологический институт, UZ

(72) Кадиров Хасан Иргашевич, Туробжонов Садриддин Махаматдинович, Икромов Абдувахоб, Хакимова Гузал Рахматовна, UZ

(54) **Эфир-альдегид фракциясидан ацетон олиш учун янги полифункционал катализатор**

**Новый полифункциональный катализатор для синтеза ацетона из эфирно-альдегидной фракции**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тўқимачилик, кимё саноати, хусусан, елим, поливинилацетат лаклар, фотопленкалар, целлофан, рақамланган эритувчиларни ишлаб чиқариш, бўёқларни эритиш, ПВХ ишлаб чиқариши учун, шахсий гигиена воситаларини ишлаб чиқаришда, чармпойабзал саноатида ва халқ хўжалигининг бош

қа кўп соҳаларида универсал эритувчи сифатида. **Вазифаси:** биокимё ишлаб чиқаришининг таркибида этанол бўлган чикити – ЭАФдан ацетонни синтезлаш учун юқори самарали ва полифункционал катализатор олиш. **Ихтиро моҳияти:** усул ЭАФнинг сувдаги эритмасини 400 – 425°C ҳароратда, 0,8 – 1,0 соат<sup>-1</sup> ҳажмий тезлик билан катализатор устидан ўтказишни ўз ичига олади.

**Использование:** текстильная, химическая промышленность, в частности, как универсальный растворитель для производства клеев, поливинилацетатных лаков, фотопленки, целлофана, номерных растворителей, разбавления красок, для производства ПВХ, в производстве средств личной гигиены, кожевенно-обувной промышленности и мн. др. отраслях народного хозяйства. **Задача:** получение высокоэффективного и полифункционального катализатора для синтеза ацетона из этанолсодержащего отхода биохимических производств – ЭАФ. **Сущность изобретения:** способ включает пропускание водного раствора ЭАФ над катализатором при температуре 400 – 425°C и объемной скоростью 0,8 – 1,0 час<sup>-1</sup>.

(13) В

(21) IAP 2013 0202 (22) 21.05.2013  
(51) 8 С 11 В 1/06, С 11 В 1/08

(71) Тошкент кимё-технология институти, UZ  
Ташкентский химико-технологический институт, UZ

(72) Кадиров Хасан Иргашевич, Туробжонов Садриддин Махаматдинович, Жуманазаров Рўзикул Боймаматович, Арипов Камолитдин Максудович, Арипов Максуд Арипович, Икромов Абдувахоб, Газиходжаева Наргиза Миразизовна, UZ

(54) **Минерал тузлар куйқаси ҳосил бўлишига қарши ингибиторларнинг янги композициялари**

**Новые композиции ингибиторов отложения минеральных солей**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** кимё, нефтни қазиб чиқариш ва нефтни қайта ишлаш саноати, хусусан, иссиқлик таъминотининг совитувчи цикллари ва тизимларида сувга ишлов бериш.

**Вазифаси:** етишиш осон бўлган хом ашёдан минерал тузлар куйқаси ҳосил бўлишига қарши юқори самарали ва универсал ингибиторни олиш. **Ихтиро моҳияти:** полиаминокрото-

нолни формальдегид билан 75–80°C ҳароратда кучли кислотали муҳитда экстракцион фосфор кислотаси иштирокида натрий полифосфатини кўшиб ўзаро таъсир эттириб полиаминокротоннинг метилол ҳосилаларини ҳосил қилиш.

**Использование:** химическая, нефтедобывающая и нефтеперерабатывающая промышленность, в частности, обработка воды в охлаждающих циклах и системах теплоснабжения. **Задача:** получение высокоэффективного и универсального ингибитора отложения минеральных солей из доступного сырья. **Сущность изобретения:** взаимодействие полиаминокротоннола с формальдегидом с образованием метилольных производных полиаминокротоннола при температуре 75–80°C в сильнокислотной среде в присутствии экстракционной фосфорной кислоты с добавлением полифосфата натрия.

соат<sup>-1</sup> ҳажмий тезлик билан катализатор устидан ўтказишни ўз ичига олади.

**Использование:** химическая, текстильная промышленность, в частности, как универсальный растворитель для производства клеев, поливинилацетатных лаков, фотопленки, целлофана, номерных растворителей, разбавления красок, для производства ПВХ, в производстве средств личной гигиены, кожевенно-обувной промышленности и мн. др. отраслях народного хозяйства. **Задача:** получение высокоэффективного и полифункционального катализатора для совместного получения ацетона и ацетальдегида гидратацией ацетиленсодержащего смешанного газа в присутствии катализатора. **Сущность изобретения:** пропускание ацетиленсодержащего смешанного газа и водяного пара над катализатором при температуре 250 - 340°C, объемной скорости по смешанному газу 260,0 час<sup>-1</sup>.

### (13) В

(21) IAP 2013 0213

(22) 27.05.2013

(51) 8 C 11 B 1/06, C 11 B 1/08

(71) Тошкент кимё-технология институти, UZ  
Ташкентский химико-технологический институт, UZ

(72) Туробжонов Садриддин Махаммадинович, Икрамов Абдувахаб, Кадилов Хасан Иргашевич, Муҳиддинов Баходир Фахриддинович, Жуманазаров Рузикул Бобомуродович, Тен Анна Владимировна, Рузиев Дилшод Убайдуллаевич, Шакиров Хаёт Хасанович, UZ

(54) **Ацетон ва ацетальдегид биргаликда олиш учун катализатор**  
**Катализатор для совместного получения ацетона и ацетальдегида**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тўқимачилик, кимё саноати, хусусан, елим, поливинилацетат лаклар, фотопленкалар, целлофан, рақамланган эритувчиларни ишлаб чиқариш, бўёқларни эритиш, ПВХ ишлаб чиқариши учун, шахсий гигиена воситаларини ишлаб чиқаришда, чармпойабзал саноатида ва халқ хўжалигининг бошқа кўп соҳаларида универсал эритувчи сифатида. **Вазифаси:** таркибида ацетилен бўлган аралаш газни катализатор иштирокида гидратациялаб ацетон ва ацетальдегидни биргаликда олиш учун юқори самарали ва полифункционал катализатор олиш. **Ихтиро моҳияти:** таркибида ацетилен бўлган аралаш газ ва сув буғини 250 – 340°C ҳароратда, аралаш газ бўйича 260,0

### (13) В

(21) IAP 2013 0214

(22) 27.05.2013

(51) 8 C 11 B 1/06, C 11 B 1/08

(71) Тошкент кимё-технология институти, UZ  
Ташкентский химико-технологический институт, UZ

(72) Туробжонов Садриддин Махаммадинович, Икрамов Абдувахаб, Кадилов Хасан Иргашевич, Муҳиддинов Баходир Фахриддинович, Жуманазаров Рузикул Бобомуродович, Тен Анна Владимировна, Рузиев Дилшод Убайдуллаевич, UZ

(54) **Ацетон, ацетальдегид ва сирка кислотасини биргаликда олиш учун катализатор**  
